2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 119 (1180), 2024 йил 16 июнь, якшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

## САМАРҚАНДДАГИ УЧРАШУВ САМИМИЙ ВА ДЎСТОНА РУҲДА ЎТДИ

**Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль мамлакатимизга давлат ташрифи доирасидаги тадбирлар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанднинг тарихий обидалари билан танишди.**



Кўҳна ва навқирон шаҳарда давлат раҳбарлари рафиқалари билан бирга мамлакатимизнинг "ташриф қоғози", аждодларимиз бунёдкорлик салоҳиятининг гўзал ифодаси — дунёга машҳур Регистон майдонига ташриф буюрдилар. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг маҳобати, ўзига хос архитектураси ҳаммада ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Олий мартабали меҳмонлар Регистондаги ҳар бир обида, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларини ҳайрат билан томоша қилди. Уларга мадрасаларнинг қурилиш тарихи, пештоқларидаги нақш ва рамзларнинг мазмуни ҳақида сўзлаб берилди.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида меҳмонларга буюк бобомизнинг давлатчилик сиёсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Соҳибқирон бобомиз ва темурийлар давлати ўз даврининг энг улкан ва ривожланган мамлакати бўлгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг Президентлар ва уларнинг рафиқалари "Афросиёб" музейига ташриф буюрдилар.

Бу музей Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилади. Бу ердаги ноёб экспонат ва деворий суратлар бутун дунё сайёҳларини, шу жумладан, кореяликларни ўзига жалб этиб келади.

VII асрга оид деворий суратлардан бирида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея — Когурё элчиларини қабул қилиш маросими ҳам акс этган. Бу халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг кўп асрлик тарихидан далолат беради.

Яқинда кореялик мутахассислар иштирокида музейни реставрация қилиш ишлари якунланган бўлиб, улар доирасида бинонинг ички ва ташқи қиёфаси мукаммал қилиб янгиланди.

Жанубий Корея Президенти тарихий ашёларни ҳайрат ва эътибор билан томоша қилар экан, халқларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалишини, бу дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам бардавом бўлишини таъкидлади.

Етакчилар маданий меросни асраш борасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлигини қайд этдилар.

Сўнг олий мартабали меҳмонлар Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейида бўлди.

Амир Темурнинг суюкли набираси бўлган Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек буюк астроном олим ва ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. Ўрта асрлардаёқ ноёб расадхона кашф қилиб, осмон жисмларини жуда аниқ ўрганган. Унинг "Зижи жадиди Кўрагоний" асари дунё астрономиясида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Экскурсиянинг охирги манзили "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказидаги "Боқий шаҳар" тарихий-этнографик мажмуаси бўлди. Бу ерда меҳмонларга халқимизнинг бетакрор бадиий, ҳунармандлик ва мусиқий маданияти намойиш этилди.

Ташриф тадбирлари якунланганидан сўнг аэропортда Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль ва рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кузатиб қўйдилар.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди.

Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Уламолар билан бўлган суҳбатда илм-маърифат ривожига яратилаётган шароитлар, ёшларни ватанпарварлик ва шукроналик, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳақида сўз юритилди.

Мажмуа ҳозирги кунда янгидан барпо этилмоқда. Бу ердаги қурилиш-пардозлаш ишлари кўздан кечирилди.

Шу билан Президентимизнинг Самарқандга ташрифи якунланди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ "БМТ ТУРИЗМ" БОШ КОТИБИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни Самарқанд шаҳрида амалий ташриф билан юртимизда бўлиб турган "БМТ Туризм" (Бутунжаҳон туризм ташкилоти) бош котиби Зураб Пололикашвили билан учрашув ўтказди.**

Ўзбекистон билан БМТнинг мазкур ихтисослашган институти ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Самарқандда 2023 йил октябрь ойида бўлиб ўтган ташкилотнинг 25-сессиясида эришилган келишувларни ва илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш жараёни кўриб чиқилди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан 2027 йилни Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюция қабул қилингани юксак баҳоланди.

Ташкилот замонавий туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва юртимизга саёҳат қилишни оммалаштириш бўйича Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорига айлангани катта мамнуният билан қайд этилди.

Сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар ва объектларни барпо этиш, зиёрат ва маданий-маърифий туризмни, жумладан, ички туризмни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қўшма саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Самарқандда фаолият юритаётган Халқаро туризм академияси имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда меҳмондўстлик ва сервис соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонга туризм йўналишини оммалаштириш мақсадида маҳаллий туроператорларнинг йирик халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этишини қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ҳамкорлик кенгайтирилади.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатларидан тобора обод ва мунаввар бўлаётган юртимизга кириб келган Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу саодатли дамларда барчамиз бу улуғ айёмнинг руҳи ва шукуҳини чуқур ҳис этиб, эл-юртимиз билан биргаликда шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Халқимиз ҳаётида эзгулик, меҳр-мурувват, саховат ва олижаноблик рамзи сифатида мустаҳкам қарор топган Қурбон ҳайити бугунги кунда биз учун барча соҳаларда инсон қадри етакчи ўринга чиқаётган Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар мазмунига нақадар уйғун ва ҳамоҳанг экани билан янада аҳамиятли бўлиб бормоқда.

Айниқса, маҳалла ва хонадонларимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмасликка қаратилган эзгу ишларимизда муқаддас динимиз, унинг инсонпарварлик моҳиятини ўзида яққол ифода этадиган ушбу файзли байрам биз учун ибрат мактаби, куч-ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Қалбларимиз қувончга тўлган ушбу ёруғ кунларда кейинги йилларда мамлакатимизда азалий диний қадриятларимизни тиклаш, муқаддас қадамжоларни обод қилиш борасидаги улкан ишлар, юртимиз мўмин-мусулмонларининг ибодат арконларини, жумладан, ҳаж ва умра зиёратларини эркин амалга оширишлари учун яратиб берилаётган қулай шароитлар ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Қисқа муддатда Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий марказлари ташкил этилди. Абу Исо Термизий, Абу Муин Насафий, Султон Увайс Қараний, Сузук ота ёдгорлик мажмуалари тубдан обод қилинди. Янгитдан барпо этилаётган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом цивилизацияси марказида қурилиш ва жиҳозлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Шулар қаторида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб муҳташам масжидлар барпо этилмоқда.

Кейинги етти йилда 60 мингдан зиёд юртимиз мусулмонлари ҳаж амалларини бажардилар. Шу кунларда яна 15 минг нафар ватандошимиз икки муқаддас шаҳар — Макка ва Мадина зиёратига бориб, ўзларининг эзгу орзуларини амалга оширмоқдалар.

Пок ниятлар ижобат бўладиган мана шундай илоҳий лаҳзаларда уларнинг барчасига чин дилдан ҳаж ибодатларини тўлиқ адо этиб, юртимизга соғ-омон қайтиб келишларини тилаймиз.

Ҳайит байрами арафасида Маккаи мукаррамада бўлиб турган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, ҳурматли муфтийимиз шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари билан телефон орқали бўлган мулоқотимизда юртдошларимизнинг муқаддас ҳаж ибодатини мукаммал адо этишлари учун барча шароитлар яратилганини у киши алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Умид қиламизки, ҳожиларимиз Ватанимизга қайтгач, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшлар тарбияси ҳамда оилалар тотувлигини кучайтиришда ибрат ва намуна кўрсатадилар.

Муҳтарам юртдошлар!

Мана шу қутлуғ лаҳзаларда турли заруратлар билан хорижий элларда бўлиб турган ватандошларимизни ҳам самимий табриклаб, уларга соғлик-омонлик, бахт ва омад тилаймиз.

Дунёнинг узоқ-яқин мамлакатларидаги диндошларимизга ҳам қизғин қутловлар йўллаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Илоҳим, жаҳоннинг турли минтақаларида давом этаётган уруш ва жанжаллар тезроқ барҳам топсин! Ер юзида доимо тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин!

Азиз ва қадрли дўстлар!

Бугун биз кўпмиллатли халқимиз билан бирга Янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. **Янги Ўзбекистон — бу янги ҳаёт, янги тараққиёт, бахтли келажак дегани.**

Барчамиз ҳамжиҳат бўлиб, бошлаган ислоҳотларимизни янада қатъий давом эттирсак, бу улуғ мақсадга сўзсиз етамиз.

Фарзандларимизни албатта билимли, ҳунарли, одобли инсонлар, чинакам ватанпарвар авлод этиб вояга етказамиз.

Шу йўлда барчамизга бахт ва омад ёр бўлсин!

Эл-юртимизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Сиз, азизларни муқаддас Қурбон ҳайити билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Улуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим**

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ**

**Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!**

Сиз, қадрли Юртбошимиз ва Сиз орқали барча юртдошларимизни ҳаж ибодатини имон ва савоб умидида адо этаётган ҳамюртларимиз номидан мусулмон уммати учун энг улуғ байрам — Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этамиз.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар шундай файзли кунлар учун шукроналар айтиб, Ҳақ таолодан жонажон юртимизга қут-барака, азиз халқимизга фаровонлик ва фарзандларимизга баркамоллик сўраб эзгу дуолар қилдик.

Аллоҳ таолонинг байти жойлашган муқаддас заминга ҳаж ибодатини адо этиш учун келган юртдошларимиз Мино, Арафот, Каъбатуллоҳ каби муборак манзилларда улуғ амалларни ихлос ила бажармоқдалар.

Дарҳақиқат, мусулмон фарзанди борки, умрида бир бора бўлса-да, Каъбатуллоҳни тавоф қилиш орзусида юради. Зотан, ҳаж — улуғ ажрларга, мукофотларга ноил қиладиган, инсон ҳаётида яхшилик сари бурилиш ясайдиган буюк ибодат. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**"Мабрур ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир"**, дея марҳамат қилганлар.

**Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари,** ушбу фазилатли кунларда Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлик, битмас-туганмас куч-қувват, оилавий бахт-саодат ва бошланган ислоҳотлар йўлида улкан зафарлар ёр бўлишини сўраймиз.

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз, қатъий иродангиз билан барча соҳалар қатори диний-маърифий жабҳада ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилганига халқимиз бевосита гувоҳ бўлиб, ўзгаришларни ўз ҳаётларида ҳис этмоқдалар.

Сизнинг телефон орқали муборак ҳаж зиёрати учун яратилган шароитлар ва саломатлигимиз ҳақида сўраганингиз ҳамда ҳар куни ҳолимиздан хабардор бўлиб турганингиз ибодат файзи билан юрган биз, ҳожиларни чексиз даражада мамнун этди.

Юртимиз тарихида давлат раҳбарининг зиёратчилар ҳолидан хабар олиш учун шахсан Маккага қўнғироқ қилиши ҳеч кузатилмаган ҳолатдир!

Аллоҳга шукрки, ташаббус ва кўрсатмаларингиз асосида ҳаж тадбирлари юқори савияда, тартибли ташкил этилди, ҳудудлардаги Ҳаж марказлари орқали ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси бошчилигида Дин ишлари бўйича қўмита, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тузилмалар ҳамкорлигида зиёратчилар учун барча қулайликлар яратилгани учун катта ташаккурлар айтамиз.

Мана шундай эътибор ва эҳтиромни Саудия Арабистони мутасаддилари ҳам юқори баҳолаб, Сиз Жаноби Олийларига ҳурмат ва дуоларини изҳор этмоқдалар.

Юртимиз тарихида илк марта Ўзбекистон ҳожиларига мамлакат Президенти даражасида эътибор кўрсатилаётгани, буни ҳар бир зиёратчи юракдан ҳис қилиб, кўзларида ёш ила дуолар қилаётганини алоҳида эътироф этамиз.

Бу йилдан бошлаб бир эзгу янгилик — Саудия Арабистонида бўлиб турган диний соҳа ходимлари ҳамда қори зиёратчилар томонидан Қуръони каримни хатм қилиш йўлга қўйилди. Мавсум давомида 10 минг хатм ўқилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик ва Сизга улкан муваффақиятлар тилаб дуолар қилинди.

Ҳожиларимиз юртга қайтганимиздан кейин **"Янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз"** деган **эзгу мақсад йўлида жонбозлик кўрсатишга аҳду қарор қилдилар.**

Халқимизни бугунги мураккаб замонда янада бирлаштириб, жонажон ватанимиз тараққиётига холис хизмат қилиш, маҳалламиз, юрт-элимизда турли ёт ғоялар таъсирига тушган адашганлар бўлмаслигига эришиш каби **улкан мақсадлар**ни олдимизга қўямиз.

**Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари!**

Биз — ўзбекистонлик ҳожилар Ватанимизга қайтар эканмиз, шахсий ҳаётда бошқаларга ибрат бўлиб, жамиятда аҳил-иноқликни мустаҳкамлаш, оилалар тотувлигини таъминлаш, ёшларни она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, эҳтиёжмандларга кўмак беришдек савобли ишларга бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Айни кунларда мабрур ҳажнинг мукофотидан умидвор бўлиб, Аллоҳ таологa ихлос билан ибодат қилаётган ҳожиларимиз Маккаи мукаррама, Арафот ва Минода бутун халқимиз ҳаққига икки дунё саодатини сўраб, хайрли дуолар қилмоқдалар. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**"Дуоларнинг энг яхшиси арафа куни қилинган дуодир"**, деб хушхабар берганлар.

Биз, 15 минг нафар ҳожи дуолар ижобат бўладиган Арафотда туриб, Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр ва улкан муваффақиятлар тилаб, олиб бораётган барча ишларингизда мададкор бўлишини сўраб илтижолар қилдик.

Файзли дамларда барча ҳожиларимиз Сизнинг марҳум ота-онангиз ҳақларига ҳам чин қалбдан дуолар қилдилар.

Уларнинг солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, қабрлари нурга тўлишини, охиратлари обод, жойлари Фирдавс жаннатидан бўлишини Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳ таолодан ёлвориб сўрадилар.

Чунки Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли ҳожиларимиз шундай улкан саодатга, адоғи йўқ мурувватга мушарраф бўлдилар.

Аллоҳ таоло бутун дунё мўмин-мусулмонларига Қурбон ҳайитини муборак айласин, ер юзига тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни даргоҳида ҳусни қабул этсин, она Ватанимизни обод, халқимиз ҳаётини янада фаровон қилсин!

Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

***Сиз Жаноби Олийларига ҳурмат ва камоли эҳтиром ила,***

**Ўзбекистон ҳожилари**

*Макка шаҳри Арафот водийси,*
*2024 йил 15 июнь*



Шукуҳ

# МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ШУКРОНАЛИК АЙЁМИ



**Ийд ал-Адҳо — Қурбон ҳайити зулҳижжа ойининг дастлабки ўн кунлиги якунига тўғри келади. Ислом меҳр-мурувват, саховат, инсонпарварлик, бағрикенглик, маърифат ва тинчликпарварлик дини сифатида силаи раҳм, каттага ҳурмат, кичикка иззат, етимларга ғамхўрлик ва муҳтожларга ёрдамни ҳам улуғ ибодатлар қаторига қўшган. Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунида бу фазилатлар янада ёрқин намоён бўлади. Одамлар бу ғанимат кунларда зикр ва эҳсонга, ҳаром амаллардан сақланишга, қалб поклиги ва ҳусни хулққа яна ҳам кўпроқ эътибор беради. Гина-кудуратлар бўлса, узр-маъзур қилади. Имкон қадар ўзгаларнинг оғирини енгил қилишга шошилади.**

**Шовосил ЗИЁДОВ,**
**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори**



Ҳаж ибодати ҳам айни шу кунларда адо этилади. Шу боис, бу ой “зулҳижжа”, яъни “ҳаж соҳиби” деб аталади.

Қурбон ҳайитининг яна бир улуғ жиҳати бор. Бу кунларда бутун дунё бўйлаб миллионлаб йўқсилларнинг баҳри дили очилади — улар анчадан буён кўрмай-тотмай келаётган неъматлардан баҳра олади.

Сир эмаски, жаҳонда ҳаётида “кўрмоқ” ва “емоқ” сўзлари уйғунлашмай келаётган миллионлаб одамлар бор. Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти — ФАО маълумотларига кўра, бугун дунёда 828 миллиондан зиёд инсон очликдан азият ва азоб чекмоқда. Шуни инобатга оладиган бўлсак, Қурбон ҳайитининг нақадар муаззам айём экани янада яққол намоён бўлади.

Бугун мамлакатимизда ана шу улуғ байрам шукуҳи кезиб юрибди. Юртдошларимиз бу кунларда муттасил равишда саховат амалларини адо этмоқда. Кўпчилик буларни бажариш баробарида динимиздаги инсонпарварлик ғояларини тараннум этувчи буюк ибодат — қурбонлик амалини бажаришга ҳозирлик кўряпти.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: **“Улар ўз** (диний ва дунёвий) **манфаатларига шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда** (Аллоҳ) **уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларига** (уларни қурбонлик учун сўйишда) **Аллоҳ номини зикр қилиш учун келурлар. Бас, ундан ўзингиз ҳам еяверингиз, бечора-камбағалларга ҳам едирингиз!”** (*Ҳаж сураси, 27-28-оятлар*).

Машҳур тафсир уламолари “маълум кунлар” жумласини зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлиги, деб эътироф этган. Оят ва ҳадисларда келган далилларга биноан, зулҳижжа ойининг дастлабки ўн куни динимизда ҳаёти дунёдаги энг афзал кунлар, деб таърифланади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ***“Бу кунларда қилинган яхши амаллар Аллоҳ таолога бошқа кунлардагидан кўра суюклироқдир”***, деганлар.

Шу боис, зулҳижжанинг биринчи ўн кунлигида юртимиз мусулмонлари ҳамжиҳатлик билан жойларда ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисиз қолганлар, кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийларини йўқлаб, ҳолидан хабар олиб, кўтаринки кайфият улашади. “Меҳрибонлик”, “Мурувват” ва “Саховат” уйларига зиёратлар уюштирилади, хайрия тадбирлари ўтказилади.

Шу кунларда бутун дунё мусулмонлари қатори минглаб юртдошларимиз ҳам ҳаж зиёратини адо этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ҳожилар сонининг квотаси авваллари 5200 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 7200 га, 2022 йилда 12000 га, 2023 йилдан эса 15000 га етказилди. Албатта, бу доим амал қиладиган қатъий рақам эмас. Келгусида ҳажга борувчилар сонини босқичма-босқич ошириб бориш режалаштирилган.

Бевосита бу йилги зиёрат ҳақида сўзлайдиган бўлсак, “Ҳаж — 2024” мавсумига тайёргарлик доирасида махсус ишчи гуруҳ Саудия Арабистонига аввалдан етиб бориб, Макка ва Мадина шаҳарларидаги меҳмонхоналарда, шунингдек, Мино, Арафот ва Муздалифада бўлажак ҳожиларимиз учун барча шароитларни ҳозирлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширди.

Юртимиз зиёратчилари 23 майдан 7 июнгача мамлакатимизнинг 10 халқаро аэропорти — Тошкент, Наманган, Фарғона, Қарши, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Урганч, Нукус шаҳарларидаги ҳаво дарвозалари орқали Мадина шаҳрига юборилди. Энди 22 июндан 12 июлга қадар барчаси Жидда шаҳридан Ўзбекистонга олиб келинади.

Қуйидаги жиҳатга ҳам эътибор беринг: зиёратчиларимиз Мадина шаҳрида “Масжиди Набавий”дан 100 метр масофада жойлашган 5 юлдузли “Зам-зам Пуллман” меҳмонхонасида, Маккаи мукаррамада эса “Abraj al-Dana”, “Al-Ayam Elite”, “Dali Hotel”, “Najma Al-Saad”,



“Open Hotel”, “Shueae Nozha Hotel”, “Ayed Al-Saha” меҳмонхоналарида истиқомат қилмоқда. Мавсум давомида ўзбекистонлик ҳожиларга хизмат кўрсатиш, ёрдам бериш, йўл-йўриқни билдириб бориш учун юқори малакали шифокорлар, ошпазлар ва гуруҳ раҳбарлари (элликбошилар) жалб этилган.

Бир сўз билан айтганда, бўлажак ҳожиларимиз ибодатларини эмин-эркин ва тўлатўкис амалга ошириши учун барча шароит муҳайё қилинган. Бу ёғига уларга сабр-тоқат, бардош, мустаҳкам соғлиқ, эгилмас ирода, кучли тақво тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, байрам арафасида юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, аниқроғи, улкан ўзгаришлар ҳақида тўхталсак. Бу янгиланишларнинг, айниқса, илм-маърифат соҳасидаги кўламини бир-икки сўз билан таърифлаш мушкул. Қисқа вақтда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом цивилизацияси маркази, Ҳадис илми мактаби ташкил қилинди. Бухородаги Мир Араб мадрасасига янги ҳаёт бахш этилди. Бу муассасаларнинг барчаси халқимизнинг кўп асрлик илмий-маънавий меросини ўрганиш, диний ва дунёвий жиҳатдан тадқиқ этиш, миллий ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш билан бирга жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга ҳам хизмат қилади, албатта.

**Юртимиз зиёратчилари 23 майдан 7 июнгача мамлакатимизнинг 10 халқаро аэропорти — Тошкент, Наманган, Фарғона, Қарши, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Урганч, Нукус шаҳарларидаги ҳаво дарвозалари орқали Мадина шаҳрига юборилди. Энди 22 июндан 12 июлга қадар барчаси Жидда шаҳридан Ўзбекистонга олиб келинади.**

Бир жиҳатни фахр билан айтиб ўтиш кераки, Ўзбекистон халқи нафақат Хоразмий, Замахшарий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек сингари бутун инсоният цивилизацияси ривожига ҳисса қўшган, балки айни пайтда Имом Мотуридий, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний каби ислом илмлари тараққиётида ғоят салмоқли ўрин тутган аждодлари билан ҳақли равишда фахрланади. “Саҳиҳул Бухорий” ислом оламида Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар манба саналади. Дунё мусулмонларининг катта қисми Имом Мотуридий ақидасини асосий таянч деб билади.

Янги очилаётган илм масканлари одамларни, айниқса, ёш авлодни тўғри йўлга солишда муҳим ўрин тутади. Улуғ алломаларимизнинг бой илмий мероси эса бунинг учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Мамлакатимиз бу йўналишда янги илмий марказлар очиш билан чекланиб қолмаяпти, албатта. Юртимизда ҳукумат ва мана шундай муассасалар ташаббуси билан халқимиз орзиқиб кутган асарлар ўзбек тилида нашрдан чиқмоқда. “Таъвилотул Қуръон”да Имом Мотуридий барча ботил оқимларга илмий асосланган раддия бериш билан бирга кейинги даврларда кимлардир томонидан туғилиши мумкин бўлган саволларга жавоб ҳам бериб кетган. Китобнинг дастлабки ўзбекча жузлари билан танишган киши “Агар фалон нарсани сўрасалар, биз мана бундай жавоб берамиз” жумлаларини кўп кузатиши мумкин. “Саҳиҳул Бухорий”нинг ҳам бир неча таржимаси босмадан чиқди. Ҳадисларнинг муҳимлиги шундаки, улар орқали исломнинг моҳияти, арконлари ва бошқа жиҳатлари тўлиқ англанади.

Шунингдек, хайрли ташаббуслар натижасида турли илмий анжуманлар ташкил этилмоқда. Улар орқали ҳам кўҳна Мовароуннаҳр алломаларининг бой мероси халқаро миқёсда тарғиб этилмоқда, ҳам хорижлик уламо ва мутахассислар билан жаҳолатга қарши маърифат воситасида курашиш ғояси йўлидаги саъй-ҳаракатлар бирлаштирилмоқда.

Уларнинг сўнггиси 4 июнь куни Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Туркиянинг Ислом тадқиқотлари маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинган Ҳанафий мазҳаби бўйича IV йиллик халқаро конференция бўлди. Унда Туркия, АҚШ, Австрия, Германия ва мамлакатимизнинг етакчи исломшунос олимлари иштирок этди.

Янги очилаётган марказларга нуфузли халқаро ташкилотлар хайрихоҳлик билдириши, уларнинг аҳамияти ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаши ҳам Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғри эканидан далолатдир.

***Сами Айюб, Техас университети профессори:***

— Айни пайтда Ўзбекистон илм-фан соҳасини янада тараққий топтириш орқали дунёга бошқа жиҳатдан ҳам юз очяпти. Ташкил этилаётган кўплаб илмий марказларнинг ўзи бунинг ёрқин бир тасдиғидир. Мақсад битта — Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан алломалар илмий меросини ўрганиш йўлида олиб борилаётган тадқиқотларни мувофиқлаштириш. Шу мақсадда қилинаётган ҳар бир иш муҳим ва хайрлидир. Бу борада биз бир йўлда эканимиздан мамнунмиз ва ўзаро изчил ҳамкорлик учун асослар етарли, деб ҳисоблаймиз.

***Девин Девиз, Индиана университети профессори:***

— Ўзбекистонга илк бор 40 йил аввал келганман. Шу боис, бугун юртингизда илм-фанга қаратилаётган эътиборнинг кўлами бошқа хорижлик олимлардан кўра менга кўпроқ билинади. Ҳукуматингиз ғамхўрлиги натижасида вужудга келган академик доиралардаги фикрлар хилма-хиллиги ва тадқиқотчилар топаётган рағбат мени бошқалардан кўра кўпроқ қувонтиради. Марказингиз эса тадқиқотлар бўйича кўплаб хорижий олимлар ишларини мувофиқлаштириш борасида ҳам ўзини намоён этишга улгурди. Буни сўнгги вақтда ўтказилаётган қатор нуфузли анжуманлардан ҳам билса бўлади. Мазкур халқаро тадбирлар учун танланаётган мавзулар ҳамда кўтарилаётган масалалар долзарблиги жиҳатидан кўплаб давлатлар олимлари эътиборини тортяпти.

***Бруно де Никола, Австрия Фанлар академияси профессори:***

— Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази мисолида юртингизда етук олим ва истиқболи порлоқ тадқиқотчиларнинг янги авлоди шаклланаётганига гувоҳ бўляпмиз. Уларнинг манбалар билан ишлаш ҳамда қиёсий таҳлил борасидаги кўникмалари жаҳон андазаларига мос келади. Бунга давлатингиз томонидан илм-фан тараққиётига берилаётган юксак эътибор сифатида баҳо бериш ўринли. Мовароуннаҳр ислом цивилизацияси бешиги деб тан олинган. Айни пайтда бизнинг олимларимиз бу ҳудудда яратилган қўлёзмаларнинг Европа мамлакатлари ва Эронга тарқалишини, ушбу давлатларда сақланаётган манбаларнинг Марказий Осиёга боғлиқ жиҳатларини ўрганмоқда.

* * *

Албатта, буларнинг барчаси Президентимизнинг диний-маърифий соҳага қаратаётган юксак эътиборларининг амалий натижасидир. Ушбу файзли кунларда бутун халқимизни муборак Қурбон ҳайити билан қизғин муборакбод этиб, Яратгандан юртимизда тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлишини, оилаларимиздан қут-барака аримаслигини тилаб қоламиз.

Аллоҳ таоло барча ибодатларимизни қабул айлаб, дуоларимизни ижобат этиб, хайрли ишларимизда мададкор бўлаверсин! Қурбон ҳайитининг қут-баракаси ва барча фазилатлари дилларимиз ва гўшаларимизни чароғон қилаверсин!

Ислоҳотлар самараси

# ЯҚИНГАЧА БУ ФАҚАТ ОРЗУ ЭДИ...

**Бундан узоқ бўлмаган йилларда саноат ҳақида сўз кетганда, йирик шаҳарлар, нари борса, вилоят марказлари кўз ўнгимизда гавдаланарди. Ҳатто туман марказларига кираверишда “Саноатлашган туманга айланиб боряпти” деган ёзувга кўзингиз тушса, беихтиёр бу гаплар одамга эриш туюларди. Бугун эса нафақат кўп аҳолига эга манзиллар, туман марказлари, балки қишлоқлар ҳам саноатлашиб бораётганини кўриб турибмиз.**

Кейинги йилларда саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасидаги ислоҳотлар Сурхондарё вилоятида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2016 йилда воҳада 1549 та корхона қиймати 2,2 триллион сўмликка тенг саноат маҳсулотлари тайёрлаган бўлса, 2023 йилга келиб, 5,5 мингга яқин корхона томонидан 3,5 баробар кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилган.

Бир вақтлар, асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, аҳолиси йилнинг тўрт фаслида пахта ва ғалла даласидан бери келмайдиган, бу ишлардан юрак олдиргани эса мигрант сифатида хорижга ишга кетадиган Музработда саноат ҳақида гап очиш эриш туюларди. Бугун нафақат Музробот тумани маркази, балки ҳудуддаги қишлоқларда ҳам йирик саноат корхоналари юқори қувватда ишлаб турибди. Туманда 161 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритяпти. Тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредит линияларини ўзлаштириш бўйича ҳам қатор ишлар ташкил этилган.

Биргина мисол. Орият маҳалласида инвестиция дастурига асосан, 2023 йилда ишга туширилган янги лойиҳа кўплаб фуқаролар иш билан таъминланишига ҳисса қўшди. “Блесс С.Р.” масъулияти чекланган жамиятининг иссиқхона, агрологистика маркази ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш лойиҳасининг қуввати 1500 тоннани, умумий қиймати 35 миллион долларидан ортиқни ташкил этади. Корхона тўлиқ Россия технологиялари билан жиҳозланган.

— Асосан, кўкат етиштирувчи корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 5 миллион долларни ташкил қилади. Эндиги мақсад экспорт ҳажмини икки баробар ошириш. Асосий бозор — Россия, — дейди “Блесс С.Р.” қўшма корхонаси иш бошқарувчиси Ризо Содиқов.

Ҳар қандай лойиҳанинг аҳамияти ва самарадорлиги унинг иқтисодиётимиз ривожига, халқимиз манфаатларига хизмат қилиши билан баҳоланади. Бугун юртнинг энг чекка туманларидан бирида самарали ишлаётган корхона маҳсулотлари пешмапеш Россия ва Европанинг қатор давлатларига экспорт қилинмоқда.

Яна бир гап. Ушбу корхонада суғоришда инновациялардан унумли фойдаланиляпти. Ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш технологияси ўрнатилган. Бу ҳам сув танқислиги муаммоси мавжуд туманда самарали ишлаш омилларидан биридир.



Тумандаги Орият маҳалласида яна бир саноат корхонаси бор. “Фрукт Азия” масъулияти чекланган жамияти ҳам экспортёрлардан бири.

— Корхонамизнинг 100 тоннали музлаткич омборхонаси бор. Бизда 10 турдаги кўкат етиштирилади, — дейди тадбиркор Жаъфар Ҳамроқулов. — Йилига 1 миллион долларга тенг маҳсулот экспорт қилинмоқда. Бир йилда 3 марта ҳосил оламиз.

Мутахассислар фикрича, иқлими қулайлиги ва тупроғи унумдорлиги боис, Музработда аграр тармоқни жадал ривожлантиришда улкан имконият мавжуд. Бу шароитдан самарали фойдаланган ҳолда етиштирилаётган маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган қатор истиқболли лойиҳалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётир.

Тумандаги Янги диёр маҳалласи ҳам кун сайин саноатлашиб бормоқда. Масалан, ҳудудда “Осиё дармон сервис” масъулияти чекланган жамияти бор. Бу ерда қиймати 48 миллиард 150 миллион сўм бўлган лойиҳа бўйича бир марталик стерилланган тиббий шприц ишлаб чиқарилмоқда. Янги корхонада 70 кишининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 40 нафари “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролардир.



**Туманда саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йили 251,4 миллиард сўм бўлди. Яъни 2022 йилнинг мос давридагига нисбатан 103,7 фоиз ошди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот улуши 1 триллион 838 миллиард 800 миллион сўмга етди. Яқин-яқингача туман салоҳиятидан келиб чиққанда шу кўрсаткичга эришиш масаласи хаёлда йўқ ва уддалаб бўлмасдек туюлар эди.**

— Корхонамиз йилига 200 минг дона бир марталик шприц ишлаб чиқаради. Унинг 40 фоизи ички бозорга йўналтирилса, 60 фоизи экспорт қилиняпти. Бугун бу ерда тиббий қўлқоплар ва инфузион системалар ишлаб чиқаришга киришилмоқда. Яна 80 та янги иш ўрни очилади, — дейди “Осиё дармон сервис” МЧЖ директори ўринбосари Ҳасан Панжиев.

Туманда саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йили 251,4 миллиард сўм бўлди. Яъни 2022 йилнинг мос давридагига нисбатан 103,7 фоиз ошди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот улуши 1 триллион 838 миллиард 800 миллион сўмга етди. Яқин-яқингача туман салоҳиятидан келиб чиққанда шу кўрсаткичга эришиш масаласи хаёлда йўқ ва уддалаб бўлмасдек туюлар эди.

Вилоятдаги энг кенжа туман — Олтинсойда ҳам сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Ҳудуддаги Оқарбулоқ маҳалласида кичик саноат зонаси ташкил этилган ва 15 та лойиҳа жойлаштирилган. Шундан 13 лойиҳа ишга туширилди. Уларнинг умумий қиймати 15,4 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу ерда “Яхна зилол” масъулияти чекланган жамияти томонидан 10 миллиард сўмлик лойиҳа иш бошлаган.

— Бир ойда 1 миллион дона яхна ичимлик ишлаб чиқаряпмиз, — дейди корхона иш бошқарувчиси Олим Шоймардонов. — Барча технологик жараёнлар автоматлаштирилган. Бу эса сифатли маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда.

Қумқўрғон туманидаги Азларсой маҳалласида ҳам 2,4 гектар ерда кичик саноат зонаси ташкил қилинган. Бу ерда ишлаб чиқариш майдонлари, офислар ва умумий овқатланиш ҳамда дам олиш бинолари қурилган. Мазкур кичик саноат зонасида 6 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг умумий қиймати 14,9 миллиард сўм.

“Мустаҳкам мустақил газ ЭС груп” масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 510 миллион сўм бўлган лойиҳа асосида гипс, шпаклёвка, кафель елими ва пеноблок ишлаб чиқарилмоқда. 20 та иш ўрни яратилган. Ишчиларнинг 20 фоизини пробация рўйхатида турган фуқаролар ташкил қилади.

Жорий йилда туманда умумий қиймати 1 триллион 100 миллион сўм бўлган 69 та лойиҳа шакллантирилиши кўзда тутилган. Натижада 1129 та иш ўрни очилади. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича 2024-2030 йилларда умумий қиймати 9 триллион 200 миллион сўм бўлган янги 625 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Муҳими, бу лойиҳалар туман марказидагина эмас, қишлоқларда ҳам ишга туширилади. Бунинг натижасида 10 минг кишининг бандлиги таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, бугун жадал суръатларда амалиётга татбиқ этилаётган инвестиция лойиҳалари ҳудудларнинг иқтисодий кўрсаткичларини оширишга, асосийси, олис манзилларда яшовчи юртдошларимизнинг фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилади.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



# ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЗОКАРАЛАР УЗОҚ МУДДАТЛИ МАҚСАД ВА МЕХАНИЗМЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

**Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ва олий даражадаги самарали музокаралар натижалари Жанубий Корея эксперт доиралари ва оммавий ахборот воситалари диққат марказида**

## Экспертлар фикри

**Таҳлилчилар ўз шарҳларида олий даражадаги Ўзбекистон — Корея Республикаси саммитининг турли жиҳатларига тўхталиш баробарида, унинг якунлари бўйича сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси белгилаб олинганини қайд этмоқда.**

### Ду ЧЖИНХО, Корея Мудофаа саноати тадқиқотлари институти Халқаро стратегик тадқиқотлар бўлими бошлиғи:



— Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасидаги олий даражадаги учрашувлар муваффақиятли ўтганини олқишлайман.

Олий даражадаги мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, технологик ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки янги алоқалар ўрнатилиши, қатор шартномаларнинг имзоланиши ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун янги истиқболларни очади.

Имзоланган ҳужжатлар мазмунига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги иқтисодий, технологик ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш учун барчаси ниҳоятда муҳим.

Ишончим комилки, ушбу ташриф натижасида икки давлат ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик яқин келажакда янада фаол ривожланади.

Жанубий Корея келгусида олий даражадаги "Корея Республикаси — Марказий Осиё" саммитларини мунтазам ўтказиб, Ўзбекистон билан алоқаларни янада кучайтиришни режалаштирмоқда.

> **ПРЕЗИДЕНТ ЮН СОК ЁЛНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ЯҚИН МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА, ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШИШИГА ИШОНАМАН.**

### Чой Жин ЁНГ, "Herald Media Group" компанияси президенти:



— Биз Корея Республикаси Президентининг Марказий Осиёнинг 3 та мамлакатига давлат ташрифи муваффақиятли якунланганига гувоҳ бўлдик. Ушбу муҳим воқеа доирасида корейс халқи Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида қизиқиш билдирди, салмоқли натижалар ва ҳамкорликни янги босқичда кутмоқда.

Ташриф икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихида янги саҳифа очди ва икки давлат раҳбарлари ўртасида ўзаро тушуниш ҳамда ишончни мустаҳкамлади. Бу эса кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Президентлар маданий-гуманитар алмашинувни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Сабаби маданий алоқалар, тажриба алмашиш халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, бу ўзаро англашувни чуқурлаштириш ва дипломатик алоқаларни мустаҳкамлашда, айниқса, муҳимдир.

Президент билан бирга катта делегация — йирик корпорация ва компаниялар раҳбарлари, турли вазирликлар вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзбек шериклари билан қатор ҳамкорлик шартномаларини имзоладилар. Бу икки томоннинг иқтисодий ва технологик алоқаларни ривожлантириш борасидаги мақсади жиддий эканини тасдиқлайди.

Ишончим комилки, ушбу ташрифдан кейин энергетика, электроника ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозликни ривожлантириш ва бошқа муҳим соҳалардаги шериклик янада кенгаяди.

Президентимизнинг Ўзбекистоннинг бой маданияти ва тарихи рамзи бўлган Самарқандга ташрифи халқларимиз ўртасидаги маданиятлараро алмашинув ва дўстлик намунаси эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Қадимий ва замонавий жиҳатларни ўзида мужассам этган ушбу гўзал кент Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги азалий ришталар ва ишончни яна бир бор тасдиқловчи платформадир.

Самарқанд қадимий бой маданиятни замонавийлик билан уйғунлаштирган гўзал шаҳардир. Ушбу шаҳарнинг Афросиёб музейидаги Когурё давлатига тегишли деворий сурат Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг дўстлиги асрлар давомида сақланиб келинаётганидан гувоҳлик беради.

Олий даражадаги ташрифни ёритиш учун корейс ва инглиз тилларида чиқадиган "Korea Herald" газетасининг икки нафар журналисти Ўзбекистонга келди. Ташриф ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилинди.

Умуман олганда, Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги дипломатик, иқтисодий ва маданий муносабатларни сезиларли даражада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

### Ли Чжи ЁН, Корея хорижий тиллар университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари кафедраси профессори:



— Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ўз вақтида амалга оширилган муҳим воқеадир.

Корея Республикаси узоқ вақтдан буён Марказий Осиё давлатлари билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириб келмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Марказий Осиёда Жанубий Корея билан алоҳида стратегик шериклик алоқаларини ўрнатган ягона давлат ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасида кадрлар алмашинуви фаоллашиб бормоқда, жумладан, Корея Республикасида истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари сони бошқа хорижий мамлакатлар орасида учинчи ўринда туради.

Ушбу далилларнинг барчаси Жанубий Корея ва Ўзбекистон муносабатлари нақадар яқин эканидан далолат беради.

Икки халқни янада яқинлаштириш мақсадида келаси йилни "Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алмашинувлар йили" деб эълон қилиш, ўзаро маданий тадбирлар ўтказиш таклиф этилди. Бу дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун жуда муҳим бўлиб, турли соҳаларда ўзаро англашув ва ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Президент Юн Сок Ёлнинг ташрифи натижалари Ўзбекистон билан алоқаларни янада жадаллаштиришга, ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириб, диверсификация қилишга ишончимиз комил.

Бугунги кунда Ўзбекистон "Марказий Осиёнинг IT хаби" бўлиш учун катта инвестиция киритмоқда ва рақамли технологиялар мутахассисларини тайёрлашни тезлаштириш учун бутун мамлакат бўйлаб IT-парклар қурмоқда. Корея Республикаси рақамли соҳада технологик устунликка эга экан, Ўзбекистоннинг миллий ривожланиш стратегиясида ижобий роль ўйнаши мумкин. Икки давлат ўртасида IT-кадрлар тайёрлаш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш соҳасида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Бундан ташқари, корейс ноу-хау ва тажрибаси ҳозирда аҳолиси тез ўсиб бораётган Ўзбекистонда "ақлли" шаҳарлар қурилишида қўлланилади. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни фаол ривожлантириши мумкин бўлган сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, олий таълим каби кўплаб салоҳиятли йўналишлар мавжуд.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон азалдан бир-бирига ўзаро ишонч ҳамда ҳурмат билан ёндашиб келган. Жанубий Корея ҳукуматининг келажакка йўналтирилган муносабатлари Ўзбекистон иқтисодий суверенитетга эришиш ва иқтисодиётни диверсификация қилишига ёрдам беради. Ўзбекистон эса Корея Республикаси саноатини ривожлантириш учун зарур бўлган асосий минерал ресурслар ва сифатли ишчи кучи билан таъминлай олади.

Келгусида икки давлат ўртасида нафақат ҳукуматлар, балки хусусий секторда ҳам кўпроқ соҳаларда алмашинувни кучайтириш, ҳамкорлик даражаси ва кўламини янада кенгайтириш зарур деб ўйлайман.

### Чжон МИНХЁН, Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти илмий ходими:



— Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон қадимдан ёрқин цивилизациялар вужудга келган минтақа бўлган. Ушбу замин Европани Шарқ билан, Узоқ Шарқни Ғарб билан, жанубдан Араб ва Форс минтақаларини ва шимолдан Россия шаҳарларини боғлайдиган стратегик марказ сифатида ҳам шуҳрат қозонган.

Ипак йўлининг марказий нуқтаси сифатида у турли динлар, маданиятлар туташган ва савдо ривожланган муҳим манзилга айланган. Савдо фақат товар айирбошлаш билан чекланиб қолмайди, балки унинг ҳақиқий қиймати товарлар таркибидаги ғоялар ва билимлар алмашинувидадир. Эркин савдо орқали эришилган иқтисодий фаровонликка асосланиб, Ўзбекистон турли хил ва янги интеллектуал рағбатлантиришнинг доимий оқими билан замонавий инсоният цивилизациясига айланган интеллектуал инқилобнинг бешиги бўла олди.

Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Жанубий Корея компанияларининг Ўзбекистонга инвестиция киритишини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу янги иш ўринлари яратиш ва саноат тармоқларини технологик жиҳатдан янгилашга хизмат қилади. Шунингдек, ушбу жабҳадаги шериклик икки давлатга ўзаро иқтисодий мақсадларга эришиш учун ўз салоҳиятларидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Ташриф давомида транспорт ва инфратузилмани модернизация қилиш соҳасида муҳим келишувлар имзоланди. Бу икки давлатнинг иқтисодий шерикликни чуқурлаштириш ва барқарор ўсишнинг асосий элементи бўлган транспорт алоқаларини яхшилаш ва логистикани ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёрлигини кўрсатади.

Президент Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка катта фойда келтиради. Иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайиши кўп йиллар давомида жадал ўсиш суръатларини намойиш этиб келаётган Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиради.

Жанубий Кореянинг илғор технологиялар, инфратузилма ва ресурсларни ривожлантириш каби соҳалардаги катта тажрибаси Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликда сезиларли синергия яратиши мумкинлигига қатъий ишонаман.

Қолаверса, Ўзбекистонда кўплаб этник корейслар яшайди, Жанубий Кореяда ҳам ўзбеклар истиқомат қилади. Икки мамлакатдаги бу инсон ресурслари иқтисодий соҳадаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Келажакда нафақат жадал иқтисодий ҳамкорлик, балки кадрлар алмашинуви кучайишини ҳам кутиш мумкин.

### Сим Жин СУ, Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлигининг янги савдо стратегияси ва сиёсати бўйича бош директори:



— Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва алмашинувларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Музокаралар якунида икки томонлама муҳим ҳужжатлар тўплами имзоланди. Хусусан, турли соҳаларда келишувларга эришилгани ўзаро ҳамкорликнинг муҳимлигини кўрсатади.

Президент Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги яқин муносабатларни янада мустаҳкамлашга, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшишига ишонаман.

### Ан Бёнг ХО, Корея Экспорт-импорт банки (Korea Eximbank) EDCF операциялари департаменти бош директори:



— 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Жанубий Корея ва Ўзбекистон, айниқса, технология, инфратузилма ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликда кескин ўсишга эришди.

Шу нуқтаи назардан, Президент Юн Сок Ёлнинг ташрифи савдо, инвестиция ва технология трансфери каби муҳим соҳаларда шерикликни чуқурлаштиришга қаратилган қатор муҳим келишув ва меморандумларни имзолаш имконини берди. Бу қадамлар нафақат иқтисодий алмашинувни оширишга, балки ҳар икки давлат бизнес ва тадбиркорлари учун янги имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда.

Жанубий Кореянинг юқори технологиялар ва инновациялар соҳасидаги тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ва стратегик жойлашуви умумий фаровонликка ҳисса қўшадиган қўшма лойиҳалар учун истиқболларни очади.

Ташриф, шунингдек, иқтисодий муносабатлардаги долзарб чақириқ ва масалаларни муҳокама қилиш майдони бўлиб, шериклик муносабатларини кучайтириш ва ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу ташриф натижалари ҳар икки давлат иқтисодиётининг турли тармоқларига ижобий таъсирида сезилади, шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг узоқ муддатли тараққиёти ҳамда фаровонлигига ҳисса қўшади.

Мухтасар айтганда, Жанубий Корея Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат дипломатик алоқаларни янада жадаллаштиради, балки келгусида барқарор ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка замин яратади ҳамда ҳар икки давлатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва технологик инновацияларга кўмаклашади.

### Ли Ву ЁНГ, Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати раиси:



— Олий даражадаги музокаралар чоғида меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилгани жуда муҳим. Чунки бу борадаги ҳамкорлик миграция жараёнларини яхшироқ тартибга солиш ва икки давлат фуқароларининг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилмоқда.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида меморандум ва келишувлар имзолангани ташрифнинг асосий натижаси бўлди. Улар қўшма таълим дастурларини яратиш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинувини ўз ичига олади. Бу эса икки мамлакатда таълим ва касбий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда меҳнат миграциясида Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги Ишга рухсат бериш тизими (Е-9 визаси) муҳим аҳамият касб этмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон Корея Республикасига турли соҳалар, жумладан, ўрмон ва тоғ-кон саноати каби янги йўналишларга ишчиларини таклиф қилиш мумкин бўлган давлатлар қаторига кирди. Бу Ўзбекистон фуқаролари учун янги имкониятлар очади ва ҳар икки давлат тараққиётига ҳисса қўшади.

2007 йилдан буён Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Ҳар йили Жанубий Кореяга Е-9 визаси асосида келаётган ўзбекистонликлар сони ортиб бораётгани ушбу дастурнинг муваффақияти ва ҳар икки томон учун аҳамиятини кўрсатмоқда. Жанубий Корея жамияти ва иқтисодиётига ўзбекистонлик ишчиларни қўллаб-қувватлаш ва мослаштириш ушбу жараённинг муҳим қисми бўлиб, Корея Республикасида меҳнат бозорини барқарорлаштиришга хизмат қилмоқда.

Икки давлат ўртасида Ишга рухсат бериш тизимининг 20 йиллиги доирасида келгуси йигирма йил учун ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича кейинги қадамлар режалаштирилган. Бу нафақат Ўзбекистон фуқаролари Корея Республикасида ишлаши мумкин бўлган тармоқларни кенгайтиришни, балки саноат ва бошқа муҳим йўналишларда алоқаларни чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

### О Ёнг ЖИН, "The Korea Times" газетаси президенти:



— Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеадир.

Ўзбекистон Корея Республикаси билан дўстона муносабатларда муҳим ўрин тутади, Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкоримиз ҳисобланади. Ушбу ташриф нафақат дўстона алоқаларни мустаҳкамлади, балки транспорт, энергетика, технология ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар каби муҳим йўналишларда ҳамкорликнинг янги истиқболларини очди.

Давлат ташрифи чоғида таълим ва илм-фан соҳаларидаги ҳамкорлик муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Юқори технологияли ишлаб чиқариш соҳалари учун кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликка эътибор қаратилди. Бу жадал ўзгариб бораётган жаҳон меҳнат бозори ва технологик инновациялар шароитида ҳар икки давлат келажаги учун муҳим бўлган билим ва тажриба алмашишни осонлаштиради.

Бундан ташқари, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Бу Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг асосий элементи бўлган IT-инфратузилма ва рақамли технологияларни ривожлантириш учун янги истиқболларни очади.

Ўзбекистон нафақат табиий бойликлари, балки Марказий Осиёда жуда қулай жойлашувга эга, асрлар давомида кўплаб мамлакатларни бир-бирига боғловчи кўприк бўлиб келган савдо ва маданият маркази сифатида ҳам дунёда эътирофга лойиқ. Жанубий Корея учун энг муҳим ҳамкор давлат саналади.

Яна бир гап, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бугунги кунда яқин дўстлик ва ажралмас шерикликка айланганида, биринчи навбатда, икки давлат раҳбарларининг хизматларини эътироф этаман.

Умуман олганда, Президент Юн Сок Ёлнинг ташрифи Ўзбекистон ва Корея Республикаси нафақат алоҳида стратегик шериклар, балки икки мамлакат ва халқлар манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр дўстлар эканини тасдиқлайди.

**"Дунё" АА**

**Ҳоким ёрдамчилари томонидан ишсизлар ва норасмий фаолият юритаётган тадбиркорларни расмийлаштириш эвазига йил давомида деҳқон хўжаликлари билан биргаликда 955 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этиш белгиланган эди. Бугун улар сони 1755 тага етди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 16 июнь, 119-сон

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz



## Юксалиш палласи

# ЧЕККА ҲУДУДЛАРГА ҲАМ САРМОЯДОРЛАР ҚИЗИҚИШИ ЮҚОРИ

## БУНИНГ САБАБИ НИМАДА?



**Музаффар ҲАМДАМОВ,**
**Пахтачи тумани ҳокими**

**Пахтачи Самарқанд вилоятининг энг узоқ ҳудуди ҳисобланади. Унинг бир томони Қарнобота қир-адирларига, иккинчи томони Қизилқум кенгликларига туташиб кетган. Сўнгги йилларда Пахтачига ўхшаган чекка туманларга ҳам чет эл инвестицияси кириб келяпти. Жорий йилда Хитой ишбилармонлари билан туманимизда 2 та йирик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Улар шиша ишлаб чиқариш бўйича 100 миллион доллар ҳамда каолинни қайта ишлаб, турли кафель ва керамика маҳсулотлари тайёрлашга оид 50 миллион доллар қийматидаги лойиҳалардир.**



Ҳозир бу лойиҳаларга Хитой томонининг қизиқиши баланд. Каолин лойиҳаси учун маҳаллий ҳамкор Мизроб Очилов томонидан “Shaxboz kaolin manufactory” МЧЖ корхонаси рўйхатдан ўтказилди. Кон ва корхона қурилиши учун режалаштирилган ер майдонлари кўздан кечирилди.

Жорий йилнинг 10 апрель куни шиша ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун хитойлик тадбиркорлар туманимизга келди. Яқинда бу лойиҳа бўйича ҳам ишлар бошланиб кетади.

2019-2020 йилларда Пахтачида Европанинг икки-учта давлати билан ҳам катта лойиҳалар режалаштирилганди. Аммо бу ҳаракатлар кўнгилдаги натижани бермади.

Шундан кейин туманга инвестиция киритиш шижоати, шиддати бир оз пасайгандек эди. Аммо вазиятни яхшилашга ҳаракат қилдик, ишлаб чиқаришга хориж сармояларини жалб этиш йўлларини изладик.

Ўтган даврда Буюк Британия билан ҳамкорликда “Гранит мининг” корхонаси фаолияти ташкил этилиб, 90 дан зиёд иш ўрни яратилди. Корхонада ойига 90 минг куб метр турли хилдаги тошлар қазиб олиниб, майдаланяпти. Ҳозирги кунда корхона нафақат Самарқанд вилояти, балки қўшни Навоий, Бухоро вилоятларига ҳам магистрал йўлларни таъмирлаш ҳамда янги йўлларни барпо этишда ишлатиладиган маҳсулотлар етказиб бермоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида “Granit mining” МЧЖ фаолиятини кенгайтириш учун чет эллик ҳамкоримиз томонидан қўшимча 1 миллион доллар миқдорида тўғридан тўғри инвестиция киритилди.

2022 йили Нидерландиянинг “Ario international” корхонаси билан ҳамкорликда қалай рудасини қазиб олиш ва қайта ишлашга оид 20 миллион доллар қийматидаги лойиҳа учун “Staunum Taurus” қўшма корхонаси ташкил этилганди. Беш йиллик шартномага асосан, корхона томонидан қидирув ишлари олиб борилмоқда. Айни дамгача лойиҳа доирасида 3,5 миллион доллар ўзлаштирилди ва техник ускуналар олиб кирилди. Қалай рудаси “Қарнабота” МФЙ ҳудудидан қазиб олинмоқда.

Қизилқум кўплаб қимматбаҳо ер ости бойликларига эга. Бу ҳудудда олтин ва кумуш, мармар ва фосфорит, уран ва кварц, феруза ва оҳактош, хуллас, Менделеев жадвалидаги барча элементлар бор. Айни пайтда Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидаги қатор корхоналар фаолият кўрсатаётган заминга нисбатан “Ўзбекистоннинг олтин сандиғи” ибораси ишлатилади.

“Олтин сандиқ”нинг хосиятли жиҳатлари Пахтачига ҳам таалluқли. Масалан, 2020 йилларда Қизбуви, Қарнобота тоғ тизмалари атрофида қазилма бойликлар кўплиги, уларга хорижлик сармоядорларнинг қизиқиши ҳақида айтиларди. Ҳозир бундай қизиқишлар ошса ошдики, асло камаймади. Шу билан бирга, Қизбуви, Қарнобота ҳудудлари бойликларига ҳавасманд маҳаллий тадбиркорларимиз ҳам кўпайди.

“Алишер полиз экинлари” фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Бегимов Кичик Қарноб ҳудудида 6,4 гектар ерда янги корхона ташкил этиш орқали 200 та иш ўрни яратиш лойиҳасини илгари сурди. Айни пайтда гипс кукуни ишлаб чиқариш лойиҳаси деярли якунига етган. Унинг қиймати 3 миллион АҚШ долларидан зиёд. Ҳозир тадбиркор темирбетон, гипсокартон, кафель маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини бошлаган. Шу мақсадда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Маҳаллий тадбиркор — “Мадина” корхонаси раҳбари Ҳабиб Саъдинов томонидан бошланган гипс маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам деярли якунига етиш арафасида. Ҳозир Хитойдан олиб келинган ускуналар ўрнатилмоқда. Лойиҳа қиймати 2,5 миллион доллар. Унда 100 га яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Маҳаллий тадбиркорларимиздан яна бири Бекзод Ибатов Эрон билан ҳамкорликда Қарнобота ҳудудида 20 гектар ерда темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, гранитни қайта ишлаш ва асфальт заводи қуриш лойиҳаларини амалга оширмоқда. 2 миллион доллар қийматидаги техника ва ускуналар олиб келиниб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Қарнобота ҳудудида, шунингдек, Артём Саркисян исмли тадбиркор томонидан “Грк альянс” хусусий корхонаси ташкил қилинган. Фаолият тури бўйича вилоятда ягона ушбу корхона каолин қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Ҳозир тадбиркор салкам 5 миллион АҚШ доллари сармоя асосида юзга яқин янги иш ўрни яратган. Корхона фаолияти чет эл инвесторларининг ҳам эътиборига тушган. Чунки бугунги кунгача геологлар томонидан вилоятнинг бошқа бирор ҳудудида каолин захираси аниқланмаган.

Ҳар қандай ҳудудда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун, энг аввало, етарли инфратузилма яратилиши, коммунал хизматлар кўрсатишда сифат даражаси юқори бўлиши талаб этилади. Туманимизда кейинги 4-5 йилда айнан шу соҳаларда ижобий ўзгаришларга эришилди.

Сўнгги 4 йилда туманда 162,1 километр йўл асфальтланди, 88 километр электр энергияси тармоғи янгиланди, 25 та трансформатор таъмирланди, 67 та янги трансформатор ўрнатилди, 2200 та симёғоч алмаштирилди, 325 километр ичимлик сув тармоғи тортилди. Бунинг эвазига тадбиркорлик анча ривожланди. Саноат ишлаб чиқариши 4,5 баробар, хизмат кўрсатиш 3,5 марта, савдо хизмати 5 баробар кўпайди.

2019 йилда рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони, фермер хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 596 та эди, 2023 йил якунида 1416 тага етди. 2023 йилда туманда жами 21 минг 954 та доимий ва мавсумий иш ўрни яратиш режалаштирилганди, амалда эса 31 минг 52 кишининг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, туманда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ишсиз 3214 фуқарога 70 миллиард 159 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. 2023 йилда туманда режалаштирилган 260 та ўрнига 269 та кичик бизнес субъекти очилди.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан ишсизлар ва норасмий фаолият юритаётган тадбиркорларни расмийлаштириш эвазига йил давомида деҳқон хўжаликлари билан биргаликда 955 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этиш белгиланган эди. Бугун улар сони 1755 тага етди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан, ишсиз, банд бўлмаган 190 фуқарога 1 миллиард 615 миллион сўм субсидия асосида асбоб-ускуналар олиб берилиши эвазига уларнинг бандлиги таъминланди.

Туманда иссиқхона хўжалиги ҳам ривожланиб бормоқда. Бугунга келиб, тумандаги 7579 та хонадонда 834 гектар иссиқхона мавжуд. Ҳар бир хонадонда йилига 3 мартагача ҳосил олиняпти. Маҳсулотни кооперация асосида харид қилиб, бозорларга чиқариш, экспорт қилиш, қайта ишлаш ёки қадоқлаш кенг йўлга қўйилмагани сабабли бу борада ҳали ўзига яраша муаммоларимиз бор.

Қурилиш-ободонлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратяпмиз. 2018 йилда туман марказида 1971-1980 йилларда қурилган 2 қаватли 26 та турар жой мавжуд эди. 2018 йилда 2 та 2 қаватли, 2019 йилда 3 та 2 қаватли, 1 та 4 қаватли, 2020 йилда 2 та 5 қаватли, 2021 йилда 3 та 5 қаватли, 2022 йилда 7 та 5 қаватли, 2023 йилда 5 та 5 қаватли уй қурилди. Хуллас, кейинги 5 йилда 820 та хонадонга мўлжалланган 23 та кўп қаватли турар жой биноси қуриб фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, шаҳарчамизда Давлат хизматлари маркази, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, матбуот уйи, оилавий поликлиника, ёшлар маркази, туман ҳокимлиги, маданият бўлими бинолари, Зиёвуддин деҳқон бозори реконструкция қилинди. Туманда жами 50 дан зиёд ижтимоий соҳа объектида янги қурилиш, жорий таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди.

Ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ободончилик борасида кўнгилдагидек натижаларга эришишда инвестиция, жумладан, хорижий инвестицияларнинг ўрни жуда муҳим. Туманимизда кейинги йилларда бу соҳага катта эътибор қаратилаётгани боис, одамларимизда келажакка ишонч кучайди, улар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мамнун.



# ФАҚАТ ЖАРИМА СОЛИШ БИЛАН МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛМАЙДИ

## Бугуннинг гапи

**Риштон туманидаги “Пандиган” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига “обод маҳалла”, “обод кўча”, “обод хонадон” мезонлари доирасида 7,5 километр тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. Натижада 4 мингдан ортиқ аҳоли хонадонига обиҳаёт кириб борди. — Бу кунларни ярим асрдан буён орзу қилганмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Мақсуд Маҳкамов. — Чекка маҳалла ва қишлоқларда аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим масалалар ечимига эътибор туфайли қишлоғимиз обод бўлди. Айниқса, тоза ичимлик сув билан таъминлаш йўлида қилинган ишлар аҳоли руҳиятини кўтарди, кўча ва хонадонларга файзу барака киритди.**

Пандиган қишлоғи туман марказидан олисда жойлашган. Шу кунга қадар марказлашган тоза ичимлик сув тармоғи йўқ эди. Сув 5-6 чақиримдан ташиб келинган, сотиб олинган. Қиш совуғи, ёз жазирамасида бу масала долзарб муаммога айланган. Кўлбола идишларда сақланган сув ўз хусусиятини йўқотиб, турли юқумли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлгани ҳам бор гап.

— Эсимни таниганимдан буён сувни ташиб ичамиз, — дейди хонадон бекаси Шоирахон Тошматова. — Баъзан сув топа олмай, муҳофаза қилинмаган ҳовуз, ариқ, зовурлардан сув ичишга мажбур бўлганмиз. Энди барча қийинчиликлар ортда қолди. Маҳалламиздаги ҳар бир хонадонга сув тармоғи тортиб берилди. Бу сувни исроф қилмай, ортиқча оворагарчиликларсиз уй юмушларини бажариш, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш имкониятини берди.

Кейинги йилларда вилоят аҳолисининг тоза ичимлик сувга бўлган талабини қондириш мақсадидаги истиқболли лойиҳалар кўлами кундан кунга кенгайиб бормоқда. Натижада ичимлик сув етказиб бериш имкониятлари яхшиланяпти. Ўтган йилнинг ўзида барча дастурлар доирасида 716,3 миллиард сўм ҳисобига 371 та объектда 1718 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи тортилди. Бунинг ҳисобига 351 дан ортиқ маҳаллаадаги 32 мингдан зиёд аҳоли илк бор тоза ичимлик сув билан таъминланиб, 240 мингдан ортиғининг бу борадаги имкониятлари яхшиланди.

— Сўнгги етти йилда вилоят аҳолисининг тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси саксон фоиздан ошди, — дейди “Фарғона сув таъминоти” АЖ директори Муроджон Йўлдошев. — Асосий эътиборни ичимлик ва оқова сув тизимлари оғир бўлган ҳудудлардаги вазиятни яхшилашга қаратганмиз. Шу мақсадда аҳоли пунктларида ичимлик сув қудуқлари қазиш, сув насослари, минора ва трансформаторлар ўрнатиш, зарарсизлантириш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари суръати ошган. Ўтган йилнинг ўзида 371 та объектда 1718 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи тортилди. 357 та сув насоси ҳамда 89,9 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи мукаммал ва жорий таъмирланди.

Президентимизнинг 2023 йил 25 декабрдаги “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Фарғона вилоятида 6 та ичимлик ва оқова сув объекти учун ажратилган маблағ ҳисобига 98,2 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи ва 15 та сув иншооти қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 42,7 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи ва 4 та иншоотда қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди. Бунинг ҳисобига 40 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди, 6,3 минг киши илк бор ичимлик сув билан таъминланди. Бундан ташқари, кейинги икки йилда 1736 километр ичимлик сув тармоғи тортиш ва 375 та иншоот қуриш юзасидан манзилли дастур асосида қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Сўх тумани вилоятнинг ичимлик сув таъминоти энг оғир ҳудудлари сирасига киради. Бу ерда ичимлик сув таъминоти бор-йўғи 20 фоизни ташкил қилган. Бугунга келиб бу борадаги кўрсаткич тўқсон фоиздан ошди. “Обширсой” сув тозалаш тармоғи ишга тушди. Ҳудуддан оқиб ўтган булоқ сувлари иншоотда жамлангач, зарарсизлантирилиб, “Равон”, “Янги ариқ”, “Офтобрў”, “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 10 мингдан ортиқ аҳолига етказиб берилади.

— Лойиҳа доирасида 154 километр янги сув тармоғи тортилди, 18 та сув минораси ўрнатилди, — дейди “Янги авлод қурилиш инвест” МЧЖ раҳбари Муроджон Аҳмедов. — Бундан ташқари, аҳоли ва маҳаллий буюртмачилар талаб ва истакларини инобатга олиб, қўшимча 90 километр сув тармоғи қурдик. Йил охирига қадар туманда тоза ичимлик сув етиб бормаган маҳалла, хонадон қолмайди.

Тоғ этагидаги “Лембур” маҳалла фуқаролар йиғини аҳли ҳам тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлди. Бу ерда янги лойиҳа асосида 2 та тик қудуқ қазилиб, сув минораси ўрнатилди, 13 километрдан ортиқ тармоқ тортилди. Шу кунга қадар “Офтобрў”, “Ҳазрат Али“, “Қалъача”, “Сўх”, “Навобод”, “Ғазнов”, “Тул”, “Соҳибкор” сингари маҳалла фуқаролар йиғинлари ва Малбуд массиви аҳолиси учун тоза ичимлик сув қувурлари тортилди.



*Шерзод Қорабоев олган суратлар.*

Аҳолининг тоза сувга эҳтиёжини қондириш ва оқова тизимини яхшилаш борасида юзага келган масалаларга ўз вақтида ечим топишда “Ташаббусли бюджет”да ғолиб бўлган лойиҳалар кўлами кундан кунга кенгайиб бормоқда. Ўтган йили бу йўналишда ғолиб бўлган 6 та лойиҳа учун 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Бу йилги мавсумнинг биринчи босқичида 3 та лойиҳа ғолиб деб топилган.

— Узоқ йиллардан буён сув таъминоти бўйича кўплаб қийинчиликларга дуч келганмиз, — дейди Бувайда туманидаги “Пошшопирим” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Келдибой Саминов. — Шу борадаги таклифимиз “Очиқ бюджет” порталига жойланиб, 7770 та овоз тўплади. Бу ерда 370 метр чуқурликдан сув чиқариш, минора ўрнатиш, тармоқ тортиш учун 1 миллиард 200 миллион сўм ажратилди. Бунинг ҳисобига маҳалламиздаги 300 га яқин оиладаги тоза ичимлик сув таъминоти кескин яхшиланади.

Фақат бугина эмас. Вилоятнинг Фарғона шаҳри, Ёзёвон ва Фарғона туманларида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивларини ичимлик ва оқова сув билан таъминлаш мақсадида 112,1 миллиард сўм ҳисобидан 54,4 километр тармоқ ҳамда 7 та ичимлик ва оқова сув иншооти қурилди.

Афсуски, кўп қаватли уйлар, томорқа ер майдонларини суғориш, хизмат кўрсатиш соҳалари, оилавий юмушларда тоза ичимлик сувни исроф қилиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кузатилмоқда.

Фарғона вилояти прокуратураси тақдимномасига асосан, ҳудудларда ичимлик сув тармоқларига ноқонуний уланиш юзасидан рейд тадбирлари ўтказилди. “Фарғона сув таъминоти” АЖ ва Фарғона вилояти уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги назорат қилиш инспекцияси ходимлари иштирокида ўтказилган ўрганишларда Риштон ва Бувайда туманларида 3 тадан хонадондаги ичимлик сув истеъмолчиларига жами 20 миллион 400 минг сўм жарима белгиланди. Марғилон шаҳри ва Ўзбекистон туманларида аниқланган ноқонуний ҳолатлар натижасида сув таъминоти корхонасига 212,6 миллион сўм зарар етказилгани аниқланиб, ҳолат бўйича йиғилган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

— Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ва вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандуми асосида ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш хизматлари ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни кенг тарғиб қилиш бўйича “йўл харитаси”га асосан, ишчи гуруҳ тузилиб, 60 та маҳалла фуқаролар йиғинида ўрганиш ўтказилди, — дейди вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси инспектори Улуғбек Ёқубжонов. — Назорат тадбирлари давомида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан 60 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 53 тасига 121,38 миллион сўм маъмурий жарима ёзилди, 7 ҳолатда баённомалар жиноят ишлари бўйича судларга чиқарилди. Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматларидан фойдаланиши ўрганилиб, аниқланган 38 та қонунбузилиш доирасида 63,92 миллион сўм маъмурий жарима расмийлаштирилди.

“Фарғона сув таъминоти” АЖ маълумотларига кўра, бугунги кунга қадар истеъмолчиларнинг сувдан қарздорлиги 58 миллиард 400 миллион сўмни ташкил этади.

Сирасини айтганда, ҳаёт, тириклик манбаи ҳисобланган табиий неъматдан барча бирдек баҳраманд бўлиши учун уни асрабавайлаш, аввало, сув ва унинг истеъмолига муносабатимизни ўзгартиришимиз лозим.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## Нуқтаи назар

# Мактабгача таълим: СИФАТ БАРОБАР БЎЛСИН



**ЯНА БИР ЖИҲАТ ЭЪТИБОРНИ ТОРТДИ — ФАРЗАНДЛАРИНИ ХУСУСИЙ БОҒЧАЛАРГА БЕРГАН КЎПЧИЛИК ОТА-ОНАЛАРНИНГ ҲАМ МУДДАОСИ АЙНАН ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЯХШИРОҚ ЎРГАНИШИ ЭКАН. ХЎШ, НЕГА БИЗ ДАВЛАТ БОҒЧАЛАРИДА ХУСУСИЙ БОҒЧАЛАРДАГИДЕК БИЛИМ БЕРА ОЛМАЙМИЗ?**

**Ўтган йили опам икки фарзанди билан пойтахтга меҳмон бўлиб келди. Ўшанда жиянларимнинг бири беш, иккинчиси уч ёшда эди. Кўп қаватли уйда зерика бошлагани учун болаларни маҳалладаги ўйингоҳга олиб бордим. Болалар кўп бўлса-да, негадир жиянларим уларга қўшилиб ўйнай олмади, бир чеккада томоша қилиб ўтираверди.**



**Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бу йил келганда ҳам жиянларимни кўчага олиб чиқмоқчи бўлдим-у, ўтган йилги ҳолат кўз ўнгимдан ўтди — тағин бир четда томоша қилиб қайтиб кетишса керак. Бироқ ҳолат кутганимдан бутунлай бошқача бўлди. Болалар майдончага боргач, тенгқурлари билан суҳбатлашиб, дўст тутиниб кетди. Қоронғи тушгунча ўйнатиб, уйга кирдик. Опамга ҳолатни айтиб берсам, 6-7 ойдан буён жиянларим боғчага бораётганини айтди. Демак, улар кўпчиликка мослашган.

Тан олиш керак: болалик пайтларимиз 3-4 маҳалла учун битта давлат боғчаси бўлар, унга ҳам серфарзанд оилаларнинг боласи қабул қилинар эди. Ота-онамиз бизни боғчага беришни ўйлаб ҳам кўрмаган. Сабаби, илгари қадриятлар шундай эди. Ҳамма қатори биз ҳам ака-опаларимизнинг изидан эргашиб катта бўлдик. Бунинг яхши томонлари ҳам бор, аммо биз фақатгина уйга ва қўшнимизнинг ҳовлисига ўрганиб қолганимиз учун мактабга чиққанда бегона болалар билан чиқишолмай қийналдик.

Психология фани мактабгача таълимнинг бола дунёқараши шаклланишида қанчалик муҳимлигини аллақачон исботлаб бўлган. Бироқ мамлакатимизда бу соҳага жиддий эътибор қаратила бошланганига ҳали кўп бўлмади. Унгача эса аҳвол шу эди — болалар кўп, аммо боғчалар ниҳоятда кам.

Статистикага кўра, 2017 йилда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари сони 5 мингдан ортиқ бўлган. 2024 йилга келиб, улар сони 35 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 7 йилда қарийб 7 баробардан кўп, дегани. Мактабгача таълим агентлиги маълумотига кўра, жорий йил май ҳолатида мамлакатимизда 35 минг 260 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларда 2 миллиондан зиёд бола таълим-тарбия олмоқда. Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болалар умумий сони 3 миллиондан ортиқлигини ҳисобга олсак, бу яхши кўрсаткич. Бироқ нега ижтимоий тармоқларда ёки кўча-кўйда фарзандини давлат боғчаларига жойлаштира олмаётган, навбат кўплигидан нолиётган ота-оналарга тез-тез дуч келаверамиз?

Бундан бир неча йил илгари боғчалар сони кўпаяётганию уларда болалар йўқлигини муҳокама қилардик. Нега орадан кўп ўтмай, вазият ўзгарди? Чунки ота-оналар орасида фарзандларини мактабгача даврда ҳам тарбиялаш истаги оммалашди. Илгари халқимиз орасида бола асосий билимни мактабда ўрганади, деган қараш бўлган. Энди бу жараённи янада эрта бошлаш истаги ортди. Шу ўринда яна бир сабабни ҳам келтириб ўтмоқчиман: кўп ота-оналар учун боғча қулай бўлиб қолди. Яъни фарзандини кун бўйи уйда олиб ўтиргандан кўра боғчага юборган енгилроқ, деган қараш шаклланиб улгурди. Айрим ота-оналарнинг “Шанба-якшанба кунлари ҳам боғчалар ишласа, яхши бўларди” мазмунидаги ҳазил гапи ҳам бежиз эмас.

Яна савол туғилади: нега узундан узун навбат айнан давлат ва давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчаларда кузатилмоқда? Бунинг асосий сабаби, шубҳасиз, уларнинг ойлик тўлови миқдорида. Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2024 йил 1 июндан мактабгача таълим муассасаларининг ойлик тўлови 18,7−21 фоиз, 2025 йил 1 январдан яна 8,5−10,8 фоизга ошиши белгиланди. Масалан, жорий йил 1 июндан пойтахт боғчаларида бир бола учун ойлик тўлов 206 мингдан 247 мингга, кейин эса 272 минг сўмгача кўтарилмоқда. Пойтахтдаги хусусий боғчаларнинг бир бола учун бир ойлик нархи эса ўртача 3-4 миллион сўм. Яъни бир фарзандингиз хусусий боғчанинг бир ойлик тўлов пули билан давлат ва давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчаларда ўртача 1-1,5 йил таълим-тарбия олиши мумкин. Ота-оналар нуқтаи назари билан қараганда, орадаги тафовут анча катта. Шу сабабли уларнинг кўпи моддий имкониятидан келиб чиқиб, фарзандларини давлат боғчаларига беришни афзал билмоқда.



Нархдаги тафовут сифатга қанчалик таъсир қилади? Буни ҳам солиштириб кўришга ҳаракат қилдик. Қўшнилардан суриштириб, икки нафар хусусий, икки нафар давлат мактабгача таълим ташкилотига борадиган болакайни бир ерга жамладик. Боғча ёшидаги болаларга мукаммал арифметик саволлар бериш хато деб, дастлаб улардан ёд олган шеърларини сўрадик. Ўзаро мусобақада давлат боғчаларига борадиганлар ғолиб бўлди. Бироқ хусусий боғчаларда тарбияланадиганлар кўпроқ инглиз тилида шеър айтгани эътиборимизни тортди. Хулоса қилишга шошилмай, бошқа бир неча давлат боғчасида тарбияланаётган болаларнинг ҳам хорижий тилдан бошланғич билимини текшириб кўрдик. Айни жабҳада давлат боғчалари хусусий боғчаларга қараганда орқадалиги сезилди. Бу, албатта, шахсий хулоса.

Яна бир жиҳат эътиборни тортди — фарзандларини хусусий боғчаларга берган кўпчилик ота-оналарнинг ҳам муддаоси айнан болаларининг хорижий тилларни яхшироқ ўрганиши экан. Хўш, нега биз давлат боғчаларида хусусий боғчалардагидек билим бера олмаймиз? Бундай тушунча шаклланиб қолишига сабаб нима? Шу мақсадда пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидан бирига бориб, болаларга инглиз тилини ўргатиш жараёни билан қизиқдик. Маълум бўлишича, ўқув режасига биноан, болаларга инглиз тили дарслари ўтилади, аммо кўпчилик ота-оналар бундан кўнгли тўлмай, боғчада ташкил этилган пулли курсларда фарзандларини ўқитар экан. Аслида, белгиланган дарс соатида ўрганиш мумкин бўлган билимни қўшимча тил курсларида ўқитишга зарурат борми? Бу саволга жавоб топиш мақсадида Мактабгача таълим агентлиги билан боғландик.




— Мактабгача таълим ташкилотида инглиз тилини ўрганишнинг асосий вазифаси боланинг мазкур тил билан танишиш жараёнига жалб қилишдир, — дейди Мактабгача таълим агентлиги Таълим сифатини баҳолаш, методик ёрдам кўрсатиш ва тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Сирожиддин Раҳмонбердиев. — Қўшимча пуллик таълим хизматлари ота-оналарнинг илтимосига кўра, Кузатув кенгашлари қарорларига биноан асосий таълим ва тарбия жараёнидан ташқари амалга оширилади, машғулотлар куннинг иккинчи ярмида қўшимча таълим педагоги билан бир вақтнинг ўзида бошқа хонада ўтказилиши мумкин, шунингдек, белгиланган вақтда гуруҳ педагоги болаларнинг эркин ўйин фаолиятини кузатади, индивидуал ишларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ота-оналар фарзанди мактабгача таълим ташкилотида инглиз тилини ўрганишини хоҳлайди, лекин улар мактабгача таълим ташкилотида тил ўрганиш ўйин шаклида олиб борилишини ва болалар инглиз тилида ёзиш ҳамда ўқишни ўргана олмаслигини ҳар доим ҳам тушунмайди.

Биз, шунингдек, агентлик масъулидан давлат ҳамда хусусий мактабгача таълим ташкилотларининг ўқитиш ёндашувлари орасидаги фарқи ҳақида сўрадик.

— Хусусий мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўрганишга ёндашув давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ёндашувдан фарқ қилиши мумкин, — дейди С.Раҳмонбердиев. — Хусусий мактабгача таълим ташкилотларида боланинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинмасдан, маълум билимларни беришга қаратилган таълим ва интизомий ёндашув кўпроқ устунлик қилади. Аслида, мактабгача ёшдаги болалар, уларнинг ёшига боғлиқ физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, инглиз тили билан эндигина танишади, тил ҳақида асосий билимларга эга бўлади.

Демак, иккисида икки хил ёндашув асосида болаларга тил ўргатилади, бироқ қай бирининг натижадорлигини исталган хусусий ва давлат боғчаларида тарбияланаётган икки нафар болани қисқа савол-жавоб қилиш орқали билиб олиш мумкин.

Ўйлаймизки, масъуллар бу масалага қайта эътибор қаратиб, давлат боғчалари ҳамда хусусий боғчалар орасида сифат бўйича эркин рақобат муҳитини яратишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби давлат ҳамда давлат-хусусий шерикликдаги мактабгача таълим ташкилотларининг ўқитиш нархи арзонлиги сифатсиз таълим беришни англатмаслиги зарур. Мазкур боғчалар сифат жиҳатдан ҳам хусусий боғчалар билан бемалол рақобат қила олиши лозим.

Мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг ойлик маошини оширишга ҳам эътибор кучая бошлади. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан, жорий йил 1 июндан давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги олий маълумотли педагог ходимларнинг базавий тариф ставкалари умумий ўрта таълим муассасаларининг тегишли педагог ходимлариникига тенглаштирилиши белгиланган. Бу, шубҳасиз, боғча ходимларининг ўз касбига янада кўпроқ эътибор қаратишига замин яратади.

Таҳлиллар давлат тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўплигидан далолат беради. Бу эса мутасаддилар олдига талабларни кучайтириш, ўқитиш дастурларини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш вазифаларини қўяди. Зеро, мамлакатимиздаги барча ота-оналар моддий имкониятидан қатъи назар, фарзандларини сифатли мактабгача таълим билан таъминлаш имкониятига эга бўлиши лозим.



# ЁШ ЎҚИТУВЧИ ҚЎШИМЧА ДАРОМАДИНИ ЮЗ МИЛЛИОН СЎМГА ЕТКАЗМОҚЧИ

**Мактаб давриданоқ олий таълим муассасасига ўқишга киришни мақсад қилган Достон тиним билмай ўқиди, изланди. Устозларининг ҳар бир ўгитига амал қилишга интилди. Бўш вақт топди дегунча маҳалла кутубхонасига югурар, тайёргарлик кўраётган фанидан тополмай қолган саволларига шу ерда жавоб топишга интиларди. Унинг доим китоб кўтариб юрганини кўрган катталар фарзандларига намуна қилиб кўрсатадиган бўлди. Астойдил интилишлар самара бермай қолмади. Йигит университет имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинди.**

## Янги тизим

Орзуси рўёбга ошиб, ОТМда ўқий бошлаган Достон бир оз ўтиб талабалик осон эмаслигини англади. Сабаби, ундан ташқари синглиси ҳам контракт асосида ўқирди. Икки фарзандининг олий таълим муассасасида ўқиши ота-онага бир оз оғирлик қилди. Кўп ўйлаб ўтирмай, йигит бунинг ҳам йўлини топди. Каттагина иссиқхонада ишлай бошлади. Иссиқхонада бошқалар шунчаки ўз юмушини қилиб юрса, у қўлига дафтарча олиб, нималарнидир қайд қилиб борар, помидор ва бодринг ниҳоллари унишини, айниқса, агрономнинг ишини кузатишдан чарчамас, ҳар бир агротехник ишлов бериш жараёнини диққат билан кузатарди.

Университетнинг магистратура босқичини ҳам битирди. Қўлига диплом олиб, ўзи яшайдиган Нишон туманидаги “Жалажин” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 11-мактабга ишга кирди. Ёш ўқитувчи янги жамоага тез мослашди. Ўқувчиларнинг тарих фанига қизиқишини ошириб, улар ўртасида турли танловлар ўтказадиган бўлди.

Достон Оролов ҳар куни дарсдан қайтаркан, куннинг иккинчи ярмини бирор фойдали иш билан ўтказиш ҳақида ўйларди. Лекин қандай юмуш билан шуғулланиш ҳақида бир тўхтамга келолмасди. Ўзича турли ишларни режалаштирар, аммо маблағ зарурлиги боис, тўхтаб қоларди. Маоши эса рўзғордан ортмасди.

Шундай кунларда маҳалла ёшлар етакчиси ва ҳоким ёрдамчиси йўқлаб келди. Меҳмонлар Достон билан суҳбатлашиб, ҳовлисини кўздан кечирди. Атрофга қараб, бир оз афсусланган бўлишди. Беш-олти туп дарахтни айтмаса, каттагина томорқа деярли бўш ётарди. Энг ажабланарлиси, ҳовлининг ёнида бир ариқ сув оқиб ўтмоқда. Ерга ишлов бериб, деҳқончилик қилиш мумкин. Ёки иссиқхона қурса ҳам бўлади. Ҳоким ёрдамчиси айнан шундай маслаҳат берди. Катта, унумли жойдан фойдаланиш ҳақида айтиб, маблағ керак бўлса, имтиёзли кредит ажратилишини маълум қилди.

Иссиқхона қуриш таклифи ёш ўқитувчига маъқул тушди. Маҳалла фаоллари эса унга ўттиз миллион сўм кредит ажратилишида ёрдам берадиган бўлди. Шундан сўнг ҳаракат бошланиб, дастлаб ҳовлининг тўрт сотихида иссиқхона қурилди.

— Биринчи йили иссиқхонага помидор экиб, яхши ҳосил олдик. Бунга, биринчи навбатда, талабалигимда кундалик қайдномалар қилиб борганим иш берди. Кўпчилик буни уддалаш қийин, деганди, лекин мен аввалдан қизиқиб юрганим учун тез киришиб кетдим. Киши ҳаракат қилса, интилса, ҳар бир ишни эплаши аниқ. Томорқамда катта хазина борлигини, шу пайтгача билмай юрган эканман. Биринчи йилдаёқ даромадим ҳисобидан кредитни тўлаб юбордим. Иккинчи йили яна тўрт сотих ерда иссиқхона қурдим. Иккаласида ҳам сабзавот етиштиряпман, — дейди Достон Оролов. — Ҳар куни мактабда дарсдан толиқиб қайтсам, полиз ичига кириб ишлайман. Томчилатиб суғораман. Бирпасда барча чарчоғим унутилади. Айниқса, етилган ҳосилни кўриб, дилим яйрайди.



Ўқитувчининг шу пайтгача деярли фойдаланилмаган томорқаси ёшлар етакчиси ва ҳоким ёрдамчиси кўмагида бугун мўмай даромад манбаига айланди. Хусусан, биринчи йили қирқ миллион сўмдан ортиқ маблағ топган бўлса, иккинчи йили кирими саксон миллион сўмдан ошди. Яқин кунларда яна икки сотихли иссиқхона қуриб, келгуси йили фойдасини йилига камида юз миллиондан оширишни мақсад қилмоқда.

Ёшларга берилган қатор имтиёзлар туфайли Қашқадарёда ишсизлик йилдан йилга камаймоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик йўналишида меҳнат қилаётган ёшлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Жумладан, вилоят ёшлар ишлари бошқармаси маълумотига кўра, бу йил 10 минг 512 ишсиз ёшнинг бандлигини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилиб, дастур ишлаб чиқилган.

Мазкур дастур асосида икки мингга яқин ёш доимий иш билан таъминланиши, шунингдек, яна шунчаси касб-ҳунар мактабларида ўқитилиши ҳамда икки ярим мингдан зиёдига 2 минг гектардан ортиқ ер ажратиб берилиши, бир ярим минг кишига 32 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратиш белгиланган.

— Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, мамлакат бўйича туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг 500 гектар ер очиқ танловга қўйилиб, сув таъминоти яхши жойдан ёшларга кичик лотлар ажратиб бериш вазифаси белгиланган. Қашқадарё вилояти ҳокими тасдиқлаган жадвалга асосан, 6 минг гектар майдонни 7584 ёшга ажратиш режалаштирилган, — дейди вилоят ёшлар ишлари бошқармаси масъул ходими Дилфуза Эшмуродова. — Ушбу топшириқ ижроси юзасидан жорий йил бошидан ҳозирга қадар “маҳалла еттилиги” тавсияси билан деҳқончилик қилиш истагидаги 7911 ёшнинг дастлабки электрон рўйхати шакллантирилиб, 6026 гектар майдон онлайн аукционга чиқарилган. Бундан ташқари, 9 мингдан зиёд ёш электрон платформага киритилган.

Бугун ҳеч бир ёш эътибордан четда қолаётгани йўқ. Барча тизимда ёш авлод вакиллари учун кенг имконият эшиги очилиб, иқтидорини намоён этишга кўмаклашилмоқда. Асосийси, бугун ёшлар иш қидириб, хорижга бормаяпти, вилоятнинг ўзида бандлиги таъминланмоқда.

**Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**1918 йили Тошкентга келган Фитрат ўз атрофига ёшларни йиғиб, “Чиғатой гурунги”ни ташкил қилади. Бу жамият уч йил фаолият юритганига қарамай, нафақат ўзбек тили ва адабиёти, балки, умуман, янги ўзбек маданиятининг шаклланиши ва тараққиёт тарихини буткул ўзгача, замонавий илм асосида ўрганишни бошлаб берди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Мозий — ҳақиқатнинг тарозиси

# НАЖОТ ЙЎЛИН КЎРСАТГАН жадид






**Зайнобиддин АБДУРАШИДОВ,
филология фанлари доктори, профессор**



**XX аср аввалида Туркистонда бошланган жадидчилик ҳаракати туфайли ўлкада янги адабиёт, публицистика ва янги сиёсат пайдо бўлди. Ўша даврнинг кўзга кўринган ислоҳотчи шахсларидан бири Абдурауф Фитрат бўлиб, унинг фаолияти ва ижоди яқин тарихимизнинг энг порлоқ саҳифаларидан бирини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Фитрат ҳаёти ва ижоди замонавий тадқиқотчилар томонидан анча ўрганилганига қарамай, илк фаолияти ва таржимаи ҳоли, хусусан, Туркияда ўтказган йилларига оид кўплаб саволлар ҳалигача ўз жавобини топгани йўқ.**

У, шубҳасиз, XX аср биринчи чораги Марказий Осиё зиёлиларининг энг кўзга кўринган ва таъсир доираси кучли бўлган вакилларидан эди. Ёзувчи, шоир, журналист, сиёсий арбоб ва Туркистон жадидчилигининг ғоявий етакчиларидан бири сифатида танилганди.

Фитратнинг илк ҳаёт йўли, айниқса, 1909 йилгача бўлган даври ҳақида биз деярли ҳеч нарса билмаймиз. Ижоди ва ҳаёт йўлини ўрганган барча тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, у 1886 йили савдогар оиласида дунёга келган. Анъанавий бошланғич эски мактабни тугатгандан сўнг ўқишини аввал Мир Араб мадрасасида, сўнг Бухородаги бошқа бир мадрасада давом эттирган. Бухоро амири Абдулаҳадхон саройида хизмат қилган Неъматуллоҳ Муҳтарам XX аср бошларида тузган тазкирасида қайд этишича, ёш бўлишига қарамай, Фитрат Бухоро адабий davраларида етарли даражада машҳур бўлган. У “Мижмар” (ёқимли ҳид тарқатувчи чўғдон) тахаллуси остида шеърлар ёзган. Неъматуллоҳ Муҳтарам Фитратни Ҳожи Мулла Абдурауф, деб тилга олади. Бундан кўринадики, Фитрат ёшлик чоғида ҳаж амалини бажариш учун сафарга чиққан ва Шарқда Туркия, Ҳиндистон, Арабистон ҳамда марказий Россия — Москва, Петербург бўйлаб саёҳат қилган. У ўша вақтда ҳаж сафарининг анъанавий йўли ҳисобланган Ҳиндистон орқали эмас, балки темир йўл билан Одесса, Туркия орқали Арабистонга борган ва Ҳиндистондан ўтиб, Бухорога қайтиб келган.

Фитрат, ўзининг ёзишича, дастлаб жадидларга қарши бўлган ва кейинроқ айрим кишилар таъсири остида унда янги усул мактаби ва жадидчиликка мойиллик, қизиқиш уйғонган. У бухоролик ёшларнинг биринчилари қаторида Туркияга ўқишга кетган. 1910-1914 йиллар давомида Туркияда таҳсил олган Фитрат Туркистонга анчагина машҳур шахс сифатида қайтиб келади. Унинг 1911-1912 йилларда Истанбулда нашр қилинган “Мунозара” ва “Баёноти сайёҳи ҳиндий” каби биринчи насрий асарлари ҳамда “Сайҳа” шеърий тўплами нафақат Бухоро, балки бутун Туркистон жадидларини янада кучлантирди. Садриддин Айнийнинг таъбири билан айтганда, унинг биргина “Мунозара”си давр тараққиётига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатди.

Қримда дунёга келган “усули жадид” мактаблари XIX аср охирги чорагида Россия империясининг мусулмонлар яшайдиган минтақаларида кенг ёйила бошлади. Мактаблар Туркистонга ҳам етиб келди. Лекин бу мактаблар динга зид келишини даъво қилган уламолар унга қарши чиқди. Айниқса, бундай қаршилик Бухорода 1908 йилда очилган мактаб атрофида жуда катта жанжалга сабаб бўлди. Фитрат ана шу мактаб жанжали таъсирида яратган “Мунозара” асари янги усул мактабларидан мусулмон дунёси шариат юзасидан фойдаланиши мумкинлигини исбот эта олди. Фақат шу асарнинг босилиб чиқиши туфайлигина Бухорода янги усул мактаблари қайта очилди ва улардан мулла-мударрисларнинг тавқи лаънатлари олиб ташланди.




“Мунозара”нинг марказида бухоролик ёшлар ташкил этган биринчи “усули жадид” мактаби ва унинг атрофида пайдо бўлган жанжал воқеалари туради. Ушбу мактабнинг тарихига қисқача назар ташлаймиз. Мактаб 1908 йил 5 октябрь куни Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳомидхўжа Меҳрий ва Аҳмаджон махдум Ҳамид (бу иккиси Айнийнинг мадрасадош дўстлари эди) тарафидан Абдулвоҳид Мунзим ҳовлисида очилади. Орадан деярли бир йил ўтиб, 1909 йил 6 сентябрь куни мактабда тантанали очиқ имтиҳон ўтказилади.

“Мунозара” Истанбулда чоп этилганидан кейин Бухорога турли йўллар билан яширинча келтирилади. Унинг асл форсча матни ҳатто 1914 йилда ҳам Россия империяси ҳудудига олиб кирилиши Петербургдаги чет эл нашрлари цензорлиги тарафидан тақиқланади. “Мунозара” Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг яқин издошларидан бўлган Ҳожи Муин ибн Шукруллоҳ тарафидан ўзбекчага таржима қилиниб, олдин “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1912 йилги сонларида, сўнг 1913 йили китоб шаклида Тошкентда босилиб чиқади. Ушбу асарга биринчи бўлиб Маҳмудхўжа Беҳбудий, сўнгра рус олими В.Андреевнинг тақризлари эълон қилинади.

Туркиядан қайтган Фитрат мактаб ишлари билан шуғулланар экан, 1915-1916 йиллар давомида қатор асарлар ҳам нашр қилди. Булар “Оила”, “Раҳбари нажот”, “Қисқача ислом тарихи” ва бошқалар. 1920-йилларда Фитратнинг “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Або Муслим” драмалари саҳнага қўйилди ва ўз даври адабий танқидчилари




тарафидан жуда илиқ кутиб олинди. Айниқса, унинг бу даврдаги ижоди озодлик туйғулари билан тўлиб-тошган эди. Юқоридаги асарларнинг барчасида бир мақсад — миллат озодлиги, мустақиллик нашидаси, ҳуррият, эркинлик мавзуси илгари сурилди. Бу ҳолат шеърларида яққол сезилади. Шоирнинг “Миррих юлдузига” шеърида давр манзараси, большевиклар сиёсатининг туб моҳияти, улар юритган сиёсат бус-бутунлигича очиб берилган эди:

*Гўзал юлдуз, Еримизнинг энг қадрли*
*тувғони!*
*Нега биздан қочиб мунча узоқларға*
*тушубсен?*
*Тувғонингға нечун сира гапурмасдан*
*турибсен?*
*Сўйла юлдуз. Ҳолинг надур? Нечук*
*топдинг дунёни?*
*Бизнинг Ерда бўлуб турғон тубанликлар,*
*хўрлиқлар,*
*Сўйла юлдуз, сенинг даги қучоғингда*
*бўлурми?*

> **Шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тарихнинг энг қалтис дамларида миллат ва ватанга хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Йирик жадидшунос олим Бегали Қосимовнинг сўзлари билан айтганда, ҳар қандай ҳолда ҳам халқ билан бирга бўлиш, унинг манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, ҳар нарсадан муқаддас билиш Фитрат шахсиятининг энг муҳим хусусиятларидан эди.**

*Борми сенда бизим каби инсонлар,*
*Ики юзли иш бузарлар, шайтонлар.*
*Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,*
*Қардош этин тўймай еган қоплонлар.*
*Борми сенда ўксуз, йўқсулнинг қонин,*
*Гурунглашиб, чоғир каби ичганлар?!*
*Борми сенда бутун дунё тузугун*
*Ўз қопчуғин тўлдурғали бузғонлар?*
*Борми сенда бир ўлкани ёндириб,*
*Ўз қозонин қайнатғучи хоқонлар?*
*Борми сенда қорин, қурсоқ йўлида*
*Элин, юртин, борин, йўғин сотқонлар?*

1917 йилдан Фитрат маориф ишларидан бир оз чекиниб, сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлади. Бухоро жадидлари ташаббуси билан тузилган “Ёш бухороликлар” партияси саркотиблиги вазифасини бажарди. Самарқандда нашр қилинган “Ҳуррият” газетасида аввал фаол муаллиф сифатида қатнашган, қисқа вақт ўтиши билан унинг бош муҳаррири бўлиб фаолият юритган.

Фитрат бу даврда Россиядаги муваққат ҳукумат билан ўзаро тенглик асосида алоқаларни йўлга қўйиш борасида жуда кўплаб мақолалари билан сиёсий фаолиятини давом эттирди. Аммо Фитрат орзу қилган тенглик, ҳуррият орзуси большевиклар томонидан чилпарчин қилинди. Шу сабаб “большевик балоси” бош кўтарган 1917 йилнинг октябрида содир бўлган тўнтаришни “юрт қайғуси” сифатида қабул қилди.

1918 йили Тошкентга келган Фитрат ўз атрофига ёшларни йиғиб, “Чиғатой гурунги”ни ташкил қилади. Бу жамият уч йил фаолият юритганига қарамай, нафақат ўзбек тили ва адабиёти, балки, умуман, янги ўзбек маданиятининг шаклланиши ва тараққиёт тарихини буткул ўзгача, замонавий илм асосида ўрганишни бошлаб берди. “Чиғатой гурунги” Ўзбекистондаги маҳаллий зиёлилар тарафидан тузилган биринчи илмий тадқиқот жамияти сифатида тарихга кирди. Айни шу жамият ҳозирги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ҳам тамал тошини қўйди. Гурунг аъзолари томонидан қатор илмий рисолалар, айниқса, тил, имло масаласига оид нашрлар эълон қилинди.

1920-1923 йиллар давомида янги тузилган Бухоро ҳукумати таркибида юқори лавозимларда ишлаган Фитрат турли сиёсий




айбловлар билан ишдан бўшатилди ва Москвадаги Жонли Шарқ тиллари институтига юборилди. Шу даврдан бошлаб Фитрат умрининг охирига қадар фақат илмий изланишлар билан машғул бўлди.

Фитратнинг адабий асарлари, хусусан, драматург сифатидаги фаолияти замондошлари томонидан якдиллик билан эътироф этилди. 1916-1930 йиллар оралиғида у ўндан ортиқ драма ёзди. Айниқса, 1920-йилларда ёзган “Ўғузхон”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон” каби драмалари катта шуҳрат қозонди. “Чин севиш” драмасида биз Ғарб илм-фанини ўрганишга бўлган тарғиботнинг бошқа бир даражага ўтгани, яъни сиёсий жиҳатдан етукликка эришган Фитратни кўрамиз. У асар қаҳрамони Каримбахш тилидан бу каби ғояларини қуйидагича ифодалайди: “Оврупо ишларини ўрганмак, албатта, керакдир. Оврупода ўқимоқ оврупоникларни инсофли, адолатли деб мақтамоқ учун эмас, улардан ўзимизни сақламоқ, тишли-тирноқли бўлиш учун керакдир”.

Фитрат бундан бир оз аввалроқ ёзилган “Шарқ сиёсати” мақоласида Ғарбга муносабатини, унинг ҳақиқий сиёсати нимада эканини очиб ташлаган эди. Бир вақтлар “Шарқға маданият мактаблари, инсоният мадрасалари очармиз” деган баҳона билан Туркистонни қонга ботириб, унинг юзини топтаган босқинчи “жаҳонгирлари фоҳишахона ва майхонадан бошқа бир нарса” олиб келмади. Фитрат шу ўринда ўзига ўзи савол беради: “Ажабо, Оврупа жаҳонгирлари бу ишларини билибми қилдилар, билмасданми қилдилар?” Жавоби эса “Албатта, билиб қилдилар, жўрттага қилдилар”.

У мақоласида мустамлакачиларнинг асосий мақсади қўл остига олинган мазлум халққа “маданият бериш”, “маориф тарқатиш”, “тараққий этдурмак” эмас, “турли фоҳишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ” ва охир-оқибатда “бизни ишдан чиқармоқ ва ўз қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир”, дейди.

Фитрат бу гапларни ёзар экан, сиёсий жиҳатдан анча етишган, халқни ҳақиқий аҳволдан бохабар қилиш учун ҳеч нарсадан тап тортмай фикр юритадиган шахс сифатида кўринади.

Мантиқан олиб қараганда, “Ҳинд ихтилолчилари”ни “Чин севиш”нинг давоми, дейиш мумкин. Лекин улар айри икки асар. “Ҳинд ихтилолчилари”да она ватанга муҳаббат, унинг эрки учун ҳамма нарсага тайёр, “Юртимизни қутқарамиз. Яшасин истиқлол!” деб мустабид тузумга қарши қўзғалган исёнкорни кўрамиз. 1922 йили нашр этилган “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламидан жой олган “Ўгут” шеърида юрт эркинлиги учун кураш, бир дақиқа ҳам ҳурриятга эришиш маслагидан қайтмасликка ундов жуда яхши кўринади:

*Оғир йигит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда*
*Бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим.*
*Ўйлашингда, турушингда ҳамда ўзингда*
*Бу юрт учун қутулушнинг борлиғин*
*кўрдим.*
*Турма. Югур, тинма — тириш, букулма —*
*юксал,*
*Ҳуркма — кураш, қўрқма — ёпиш,*
*йўрилма — қўзғол,*
*Эл йўлини тўсуб турғон эски булутларни*
*Ёндириб қўй, йиртиб ташла. Барчасини*
*йўқ эт!*
*Қилолмасанг шу ишларни,*
*Сенинг учун хўрлиқдир бу!..*
*Йиқил, йўқол, кет!*

Фитрат ўз драмаларида, шеърларида Шарқ, хусусан, Ҳиндистон халқининг мустамлакачи инглизларга қарши кураши орқали она ватан — Туркистоннинг туганмас дардларини ифода қилди.

Фитрат тарихий драма жанрига асос солди. У “Абулфайзхон”, “Або Муслим” каби драмаларида тарихга юзланар экан, ўтмишдаги воқеликнинг мазмун-моҳиятини тарихий шахслар образи орқали уларнинг тақдирлари мисолида қайта жонлантиришга ҳамда улардан замон учун керакли хулосалар чиқаришга муваффақ бўлган ижодкордир.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тарихнинг энг қалтис дамларида миллат ва ватанга хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Йирик жадидшунос олим Бегали Қосимовнинг сўзлари билан айтганда, ҳар қандай ҳолда ҳам халқ билан бирга бўлиш, унинг манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, ҳар нарсадан муқаддас билиш Фитрат шахсиятининг энг муҳим хусусиятларидан эди.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2081.
44065 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** A2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:32 Топширилди — 01:10